

БЮДЖЕТЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Исомухамедов Акбаржон Боходир ўғли,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти магистранти,
iakbarjon@mail.ru,

Илмий раҳбар: Сирожиддинов Икромиддин Қутбиддинович,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти профессори
в.б., иқтисод фанлари номзоди, доцент

АННОТАЦИЯ

Мақолада кичик бизнес субъектларида корхоналарда бюджетлаштириш жараёнини ташкил этиш ва амалда қўллаш буйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бюджетлаштириш, бюджетлаштириш функцияси, харажатлар ҳисоби, назорат, бошқарув қарорлари.

АННОТАЦИЯ

В статье разработаны рекомендации по организации и практическому применению процесса бюджетирования в субъектах малого бизнеса.

Ключевые слова: бюджетирование, функции бюджетирования, учет затрат, контроль, управленческие решения.

ABSTRACT

The article develops recommendations on the organization and practical application of the budgeting process in small businesses.

Keywords: budgeting, budgeting functions, cost accounting, control, management decisions.

1. Кириш

Иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, тизимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, янги технологияларни жорий этиш, кадрларни тайёрлаш ва бошқа бир қанча муҳим йўналишларда кенг қамровли ишларни бажариш мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ишлар доирасидаги бирламчи вазифалар қаторига олиб чиқилмоқда [1-3]. Таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес субъектларида

бюджетлаштириш жараёнини амалга ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бюджетлаштириш - бу корхонанинг умумий бюджетини, шунингдек уларнинг молиявий харажатлари ва натижаларини аниқлаш учун алоҳида бўлимларнинг бюджетларини тузиш орқали корхона фаолиятини ишлаб чиқариш ва молиявий режалаштиришдир.

2. Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётлар таҳлил қилинганида бюджет ва бюджетлаштириш, даромад ва харажатлар бюджетига доир умумий методологик усуллар ёритилганлигини кўришимиз мумкин.

“Бюджет” сўзи қадимги норманд тилидан олинган бўлиб, “bougette” халта, кармон, чарм қоп, пул тўла қоп деган маъноларни англатади. Б.Нидлз, М.Пауэрс, С.Миллз ва Г.Андерсонларнинг фикрича: “бюджет – келгусидаги иқтисодий операциялар, хўжалик фаолияти ва натижаларни молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ифодасида башорат қилувчи ҳаракатлар режасидир”. Россиялик иқтисодчи олимлар Е.А.Ананькина, С.В.Данилочкин ва Н.Г.Данилочкинларнинг фикрича, “бюджет – корхонанинг яхлит ёки алоҳида бўлимлари фаолиятини миқдорий экс этган режасидир”. Республикамиз иқтисодчи олимлари А.Х.Пардаев ва З.А.Пардаеваларнинг фикрича, “бюджет – бу режалаштирилган фаолиятни амалга оширишдан олдин тузиладиган молиявий ҳужжат ҳисобланади” [4].

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолани ёзишда қуйидаги метод ва усуллар қўлланилди: соҳа олимларининг ўрганилаётган мавзу юзасидан билдирган фикр ва қарашларини тизимли ва қиёсий таҳлил этиб, ахборотни қайта ишлаш амалга оширилди.

4. Таҳлил ва натижалар

Бюджетлаштиришнинг мақсади - корхонанинг умумий бюджетини, шунингдек уларнинг молиявий харажатлари ва натижаларини аниқлаш учун алоҳида бўлимларнинг бюджетларини тузиш орқали корхона фаолиятини ишлаб чиқариш ва молиявий режалаштиришни амалга оширишдир.

Корхонада бюджетлаштиришга қўйиладиган вазифа корхонанинг бошқарувини такомиллаштириш, молиявий натижаларнинг ошиши, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотлар базасини яратишдир. Бунда харажатлар ва капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш, уларнинг меҳнат унумдорлигига таъсири, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сотишни кўпайтириш ва бошқалар асосий масалалар муҳим ўрин эгаллайди.

Корхонанинг ресурсларини самарали бошқариш қобилиятини ҳам юқоридаги асосий вазифалар таркибига қўшиш мумкин. Бюджетлаштириш орқали амалга ошириладиган вазифалардан кўриниб турибдики, у амалга оширилганда корхона фойда ва иқтисодий жиҳатдан ўсишни ошириш учун кўшимча воситаларни олади.

Корхоналарда бюджетлаштириш тизими олтига асосий функцияга эга бўлиб, булар куйидагилардир:

- Молиявий режалаштириш. Бюджет молиявий инвестиция учун энг истиқболли имкониятлари топиш ва ўз вақтида корхонанинг фойдаси йўқ харажатларини тарк қилишга ёрдам беради.
- Иш натижаларини баҳолаш. Корхонанинг молиявий режаси қанчалик яхши қурилганлигини тушуниш учун унинг фаолияти натижаларини баҳолаш керак. Бу корхонанинг заиф томонларини аниқлаш, хатоларни бартараф етиш ва янада самарали ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг ягона усули.
- Менежерлар фаолиятини таҳлил қилиш. Ҳар қандай ташкилот ривожланиши керак. Ушбу жараён учун менежерлар жавобгардир: улар компанияни янада такомиллаштириш ва ўсиш йўналишини танлайдилар, вазифаларни тузадилар ва уларнинг бажарилишини назорат қиладилар. Бюджетлаштириш жараёнида ушбу иш қанчалик самарали амалга оширилаётганини, ходимларнинг қайси бири моддий рағбатлантиришга лойиқлигини кўришингиз мумкин.
- Ходимлар ва менежментнинг мотивацияси. Мутахассислар ўзлари ишлаётган корхонанинг стратегик мақсадларини кўрсалар, уларнинг фаолияти янада самарали бўлади. Улар маълум бир вақт ичида қандай натижаларга еришишлари кераклигини тушунадилар ва бажарилган иш учун молиявий мукофот олишларини биладилар.
- Алоқа муҳитини шакллантириш. Корхонанинг мақсад ва вазифаларини аниқ тушуниб, ходимлар кўпроқ ғайратли ва жалб қилинади. Улар бир бутуннинг бир қисмини ҳис қилишади ва жамоани хафа қилмасликка ҳаракат қилиб, янада самарали ишлашади. Коммуникациялар янада уюшиб бормоқда.
- Корхонанинг бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш. Бу қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий шартларидан биридир. Компаниянинг барча бўлинмалари муаммосиз ишлаганда, унинг унумдорлиги ошади, янги фойдали йўналишлар ривожланади, харажатлар камаяди.

Юқоридаги маълумотлар асосида кичик бизнес тоифасига кирувчи “НАҚИҚАТ-БЕК” масъулияти чекланган жамиятининг иқтисодий

кўрсаткичларининг таҳлили амалга оширилди. Жамиятининг 2020-2022 йиллар даромадлари ва харажатлари бизнес режага нисбатан таҳлил қилинди.

Жамиятнинг бизнес режасига асосан 2020-2022 йиллар учун қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Бизнес режада				(минг сўмда)
Даромад турлари	2020 йил	2021 йил	2022 йил	Жами 3 йилда бизнес режа бўйича
Курсатилган хизматлардан тушум	230 000	245 000	265 000	740 000
Дивидент тарзидаги даромад	15	17	19	51
Жами даромад	230 015	245 017	265 019	740 051
Харажат турлари	2020 йил	2021 йил	2022 йил	-
Иш хаки харажатлари	80 500	85 750	92 757	259 007
Ижтимоий солиқ	9 660	10 290	11 131	31 081
Амортизация харажати	13 804	13 804	13 804	41 412
Аъзолик бадали	1 000	1 200	1 500	3 700
Хона ижараси	5 500	6 600	7 700	19 800
Банк хизмати	1 150	1 250	1 350	3 750
Товар моддий кийматликлар	4 000	5 000	6 000	15 000
Муддати ўтган дебитор карздорликларни хисобдан чиқариш	0	0	0	0
Ходимлар малакасини ошириш	1 000	1 200	1 500	3 700
Бошка харажатлар	2 800	3 000	3 200	9 000
Дарома солиги	9 201	9 801	18 912	37 913
Жами харажат	128 615	137 895	157 853	424 362
Жамиятнинг соф фойдаси	101 400	107 122	107 166	315 689

Ҳақиқатда эришилган натижа эса қуйидагича:

Ҳақиқатда				(минг сўмда)
Даромад турлари	2020 йил	2021 йил	2022 йил	Жами 3 йилда ҳақиқат
Кўрсатилган хизматлардан тушум	261 350	287 350	290 990	839 690
Дивиденд тарзидаги даромад	0	0	22	22
Жами даромад	261 350	287 350	291 012	839 712
Харажат турлари	2020 йил	2021 йил	2022 йил	-
Иш ҳақи харажатлари	86 579	82 428	82 281	251 288
Ижтимоий солиқ	3 913	9 891	9 874	23 678
Амортизация харажати	14 099	13 804	13 924	41 827
Аъзолик бадали	1 000	1 200	1 200	3 400
Хона ижараси	5 500	8 770	8 400	22 670
Банк хизмати	985	2 507	782	4 274
Товар-моддий кийматликлар	3 785	6 090	9 146	19 021
Муддати ўтган дебитор қарздорликларни ҳисобдан чиқариш	0	27 935	9 100	37 035
Ходимлар малакасини ошириш	1 000	11 882	1 500	14 382
Бошқа харажатлар	0	10 348	4 400	14 748
Дарома солиғи	10 454	11 494	22 584	44 532
Жами харажат	127 315	186 380	163 190	476 884
Жамиятнинг соф фойдаси	134 035	101 000	127 822	362 858

Бу маълумотлар асосида бизнес режага нисбат таққослаб солиштирилганда қуйидаги маълумот келиб чиқади.

(минг сўмда)

Даромад турлари	Жами даромад	Жами харажат	Жамиятнинг соф фойдаси
Жами 3 йилда бизнес режа буйича	740 051	424 362	315 689
Жами 3 йилда ҳақиқат	839 712	476 884	362 858
Режага нисбатан %	113	112	115

2020-2023 йиллар учун тайёрланган бизнес режага нисбатан кўзланган йиллик тушум 113 % фоизга, харажатлар 112% фоизга, жамиятнинг соф фойдаси 115% фоизга ортиги билан бажарилганини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткичларга эришишда олдиндан тузилган бюджетлаштириш ўз самарасини бериб, жамиятни мухим иқтисодий кўрсаткичларини оширишга олиб келган. Натижада жамият таъсисчилар ва бошқа иқтисодий хамкорларни ишончини қозонмоқда.

5.Хулоса ва таклифлар.

Сўнгги йилларда бухгалтерия ҳисобини юритишда, айниқса солиқ хизмати, божхона хизмати ва бир қатор мутасадди ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларни амалга оширишда электрон ҳужжат алмашинувини йулга қўйиш орқали кичик бизнес субъектларининг айрим харажатлари нисбатан қисқаришига олиб келди. Бу харажатларга қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин:

-Бошқа ҳудудларда жойлашган ташкилотлар билан шартнома тузиш учун сарфланадиган хизмат сафари харажатлари;

-Ҳисоб-варақ фактурани жўнатиш ва қабул қилишда сарфланадиган канцелярия харажатлари;

-Солиқ хизмати ва бошқа давлат органи ташкилотлари билан ҳужжат алмашинувиш вақтидаги харажатларни қисқаришига эришилди.

Кичик бизнес субъектларида бюджетлаштириш амалиётини жорий этиш орқали харажатлар ҳаракатини назорат қилиш ҳамда кўзланган фойдага эришиш ташкил этилади. Натижада жамиятнинг муассислари ва ташқи савдо хамкорлари олдидаги мажбуриятларни бажаришида қулайликлар яратилади.

Ҳозирги рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишдаги кўплаб дастурий таъминотлар мавжуд бўлиб, уларнинг ичида “1С-Бухгалтерия”, “1-Уз”, “Уз-Асбо”, “Венкон” каби дастурлар оммалашмоқда [5]. Келажакда ушбу дастурларга сунъий интеллектни жорий қилиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, шубҳасиз, бугунги куннинг долзарб ва устувор вазифаси сифатида қаралиши зарур. Бу орқали корхона ва ташкилотларда ишлаш унумдорлиги ортади, бюджетлаштириш жараёни рақамлаштирилади. Агар рақамли иқтисодиёт борасида мўлжалланган вазифалар амалга оширилса, кичик бизнесда ҳам улкан амалий натижалар яққол кўринадди ва аҳоли фаровонлиги сезиларли даражада ортади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-6079-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3832-сонли қарори.
4. Раҳманов Қ.С. Давлат бошқарувида рақамлаштиришдаги муаммо ва ечимлар. “Давлат бошқарувида рақамлаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзудаги республика илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами 2019 йил 12 апрель.
5. Gulyamov S.S., *Digitalization of the education system in Uzbekistan. International scientific journal “ Theoretical & applied science”*. USA, 2020.10 volume 90. - 453-455 pp.